

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети тадқиқотчиси
Мавлонова Мавлуда Дауровнанинг “Инглиз тилидан ўзлашган ахборот
технологиялари терминларининг лексик-семантик хусусиятлари”
мавзусидаги диссертация авторефератига тақриз**

Ахборот технологиялари ривожланиб, рақамли дунё кундан-кунга кенгайиб бораётган бир вақтда ушбу соҳага оид терминларнинг тилдан-тилга ўтиши табиий ҳолат сифатида қаралиши лозим. Ваҳоланки, ҳар қандай давлатнинг салоҳиятини ИТ технологияларига бўлган эътибор ва ривожланиши учун шарт-шароит яратиб бериш каби омиллар белгилайди. Шундай экан, янги ИТ технологияларининг ривожланиш шиддати чегара билмас бир ҳодиса бўлиб, у ўзга халқлар ҳаётига кириб келаётган янги технологиялар билан бир қаторда уларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб берадиган янгича терминлар сифати билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шунуктаи назардан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети тадқиқотчиси Мавлонова Мавлуда Дауровнанинг “Инглиз тилидан ўзлашган ахборот технологиялари терминларининг лексик-семантик хусусиятлари” мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси муҳим аҳамиятга эга, деб айтиш мумкин.

Мазкур тадқиқотда диссертант томонидан инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган ахборот технологияларига оид терминларнинг бир маънолилик, экспрессивлик, номинативлик ва тизимлилик хусусиятлари, терминологик майдондаги умумтизимли белгилари, терминологик бирликлар мажмуаси корпусининг мантикий боғлиқлиги лексик-семантик ва этимологик жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қилинган.

Шу билан бирга, ИТ тизимидаги ўзлашган терминлар гуруҳларини моделлаштириш орқали байналмилаллик, мавзули йўналтирилганлик, стилистик бетарафлик, полиморфизм ва кўп функционаллик каби хусусиятлар ўрганилган. Мавзу жуда долзарб бўлиб, диссертация ОАК томонидан белгиланган талабларга жавоб беради.

Аммо, ҳар қандай ишда бўлгани каби айрим мулоҳазабоп ўринлар ҳам кузатиладики уларни ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Жумладан:

1. Диссертациянинг “Инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари терминларини тадқиқ қилишнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобида ўзлашган терминлар ҳақида сўз кетар экан, дастлаб “Ахборот коммуникация технологиялари”, ундан кейин эса “Коммуникация” терминларига изоҳ берилади. Ваҳоланки, мантиқдан келиб чиқиладиган бўлса, дастлаб “Коммуникация” терминига изоҳ бериб, ундан кейингина

“Ахборот коммуникация технологиялари” термини ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқ эди (авторефератнинг 10-11 бетлари).

2. Автореферат матнида кўплаб орфографик ва услубий хатоликлар учрайдики, уларни албатта бартараф этиш лозим.


3. Автореферат матнида фақат бобларнинг номлари келтирилган бўлиб, уларнинг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинган. Фикримизча, авторефератда боб ичидаги бўлимларнинг номлари ҳам кўрсатилганида, ишнинг мазмун-моҳиятини янада кенгроқ очиб бериш имконияти туғилган бўларди.

4. Автореферат матнида айрим ўринларда “инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган ахборот технологияларига оид терминлар” деб берилган бўлса, бошқа бир ўринларда “ўзлашма сўзлар” деб берилаётганини кўришимиз мумкин. Фикримизча, бу терминларни ҳам мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биз томондан билдирилган ушбу мулоҳазалар тавсиявий характерга эга бўлиб, диссертациянинг умумий савиясига салбий таъсир кўрсатмайди ва диссертант уларга қўшилган тақдирда қисқа муддатда бартараф этиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Мавлонова Мавлуда Дауровнанинг 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослигида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзган “Инглиз тилидан ўзлашган ахборот технологиялари терминларининг лексик-семантик хусусиятлари” мавзусидаги диссертацияси ОАК томонидан белгиланган талабларга жавоб беради, тадқиқот мустақил бажарилган, илмий нашрлар мавзунини тўла акс эттиради ва уни очиқ ҳимояга тавсия этиш мумкин, деб ҳисоблайман.

ТДШУ Таржимашунослик,
тилшунослик ва халқаро
журналистика олий мактаби доценти,
филология фанлари доктори



Р.Х.Шарипов